Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2017 йил 24 август, № 167 (6861) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ҲУКУМАТИ РАИСИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 23 август куни мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Россия Федерацияси Ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари Игорь Шуваловни қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари меҳмонни қутлар экан, И. Шуваловни Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг Россия томонидан раиси этиб тайинлангани билан самимий табриклади.

Президентимизнинг шу йил 4-5 апрель кунлари Россия Федерациясига давлат ташрифи давомида эришилган келишувларни тўла амалга ошириш, шунингдек, иқтисодиётнинг турли соҳаларидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги дастур ва лойиҳаларини ҳаётга самарали татбиқ этишда Комиссия муҳим аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланди.

Ҳозирги пайтда ўзаро муносабатлар жадал ривожланаётгани қайд этилди.

Ўзаро савдо ҳажми барқарор ўсиб бормоқда — шу йилнинг етти ойи давомида товар айирбошлаш ҳажми 14 фоиз ўсиб, 2,6 миллиард АҚШ долларидан ошди. Бунда экспорт ва импортнинг барча асосий йўналишлари бўйича ўсиш кузатилмоқда.

Июль ойидан Россия бозорига мева-сабзавот маҳсулотларини етказиб беришда «яшил коридор» тизими тўлақонли фаолият кўрсата бошлади.

Россиянинг етакчи компаниялари ва банкларини жалб қилган ҳолда, устувор инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ҳамкорликда фаол иш олиб борилмоқда.

Нефть-газ мажмуасидаги геология-қидирув ишларини амалга ошириш ва истиқболли конларни ўзлаштириш, бунда углеводород хом ашёси қазиб олишни кўпайтириш, Қандим газни қайта ишлаш ва Жиззах нефтни қайта ишлаш заводларини қуриш, соҳа корхоналарини модернизация қилиш, шунингдек, газ ва нефть етказиб бериш бўйича йирик лойиҳалар шулар жумласидандир.

Металлургия соҳасида «Ёшлик-1» конини ўзлаштириш, мис бойитиш мажмуасини қуриш ва Тошкентда металлургия заводи барпо этиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш ишлари бошланди.

Машинасозлик, автомобилсозлик, электротехника, кимё, фармацевтика, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати, туризм ва бошқа кўплаб соҳаларда, шунингдек, мамлакатларимиз ҳудудлари ўртасида кичик бизнес субъектларини фаол жалб қилган ҳолда, кооперация алоқалари кенгайиб бормоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Россия капитали иштирокида мингга яқин корхона фаолият юритмоқда, Россиянинг 60 компанияси ваколатхоналари рўйхатдан ўтган.

Ижтимоий алоқалар ривожланмоқда, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт, маданият ва санъат соҳаларида қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги амалий ҳамкорликни янада ривожлантириш, шунингдек, инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш ва юқори технологияли соҳаларда янги истиқболли дастурларни тайёрлашни жадаллаштириш масалалари батафсил муҳокама қилинди.

Меҳмон давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун чин дилдан миннатдорлик билдирди ҳамда Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ва Ҳукумат раиси Дмитрий Медведевнинг саломи ва эзгу тилакларини етказди.

Ҳукумат раисининг биринчи ўринбосари Россия Федерацияси Ўзбекистон Республикаси билан стратегик шериклик ва иттифоқчилик руҳидаги кенг кўламли ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга тайёр эканини таъкидлади.

ЎзА.

Сарвар ЎРМОНОВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАН ВА ТЕХНИКА, АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотларини таъсис этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 июлда қабул қилинган ПФ-3781-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари кенгашининг 2017 йилги Давлат мукофотлари бўйича таклифига биноан, мамлакатимиз илм-фани, адабиёти ва санъатини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва маънавий-маърифий ҳаётида алоҳида эътиборга сазовор бўлган, халқаро миқёсда эътироф этилган фундаментал тадқиқотлари, замон талабларига жавоб берадиган юксак, мазмунан долзарб ижодий ишлари учун

Биринчи даражали давлат мукофотлари қуйидагиларга берилсин:

фан ва техника соҳасида (фан ва техника соҳасида кўзда тутилган 1 та биринчи даражали Давлат мукофоти ўрнига 2017 йил учун истисно тариқасида 2 та биринчи даражали мукофот берилиши белгилансин):

— Аюпов Шавкат Абдуллаевич, Кудайбергенов Каримберген Кадирбергенович, Омиров Баҳром Абдазович, Розиқов Ўткир Абдуллаевичга — "Ноассоциатив алгебралар, дифференциаллаш ва ночизиқли динамик системалар назарияларини ривожлантириш" фундаментал тадқиқоти учун;

— Иноятова Флора Ильясовна, Аҳмедова Дилором Илҳомовна, Амонов Шавкат Эргашевичга — "Оғир эшитиш заифлиги ва карлиги бўлган болаларнинг реабилитацияси" амалий тадқиқоти учун;

адабиёт соҳаси бўйича:

— Қодиров Пиримқулга (марҳум) — "Амир Темур сиймоси" ва "Тил ва эл" асарлари учун;

санъат ва меъморчилик соҳаси бўйича:

— Матёқубов Отаназарга — ўзбек классик мусиқасининг тарихи, назарий асослари ва замонавий жараёнларга таъсири ҳақидаги тадқиқотлар туркуми. "Мақомот", "Бухоро Шашмақомига яна бир назар", "Хоразм нота ёзувининг тарихи ва тамойиллари", "Ўзбек классик мусиқаси асарлари" (икки томли, ўзбек ва рус тилларида) каби мусиқашуносликка оид асарлар мажмуаси учун.

Иккинчи даражали давлат мукофотлари қуйидагиларга берилсин:

фан ва техника соҳасида:

— Тиллашайхов Мирзағолиб Ниғматович, Парпиева Наргиза Нусратовна, Белоцерковец Вера Георгиевнага — "Ўзбекистон Республикасида аҳолига кўрсатиладиган силга қарши хизматни такомиллаштиришнинг фундаментал асосини яратиш" амалий тадқиқоти учун;

адабиёт соҳаси бўйича:

— Саидов Сирожиддин Салоҳович (Сирожиддин Саййид)га — "Очил, эй гул, ки бўстон вақти бўлди" китоби учун;

санъат ва меъморчилик соҳаси бўйича:

— Шоёқубов Шохалил Каримовичга — "Замонавий Ўзбекистон миниатюраси" (ўзбек, рус ва инглиз тилларида) китоб-альбоми учун.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 23 август

Игорь ШУВАЛОВ:

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИ УЛКАН ИМКОНИЯТЛАРГА ЭГА

Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги ҳамкорлик кенг кўлам касб этган. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил апрель ойида Россияга давлат ташрифи барча соҳадаги алоқаларни янги босқичга кўтарди. Ўзаро ташрифлар фаоллашди.

Россия Федерацияси Ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари Игорь Шувалов мамлакатимизга ташрифи доирасида ўтказилган учрашувлар ҳақида ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Мамлакатларимиз Президентлари ўртасида дўстона муносабатлар қарор топган. Россия Федерацияси ҳукуматига Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли барча лойиҳани қўллаб-қувватлаш ва амалга ошириш бўйича кўрсатма берилган.

Яқинда мен Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Россия ҳукуматлараро комиссиясининг Россия томонидан раиси этиб тайинландим. Буни жуда муҳим ва масъулиятли вазифа, деб биламан. Чунки Ўзбекистон буюк тарих ва улкан иқтисодий салоҳиятга эга, Марказий Осиёдаги йирик мамлакат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан учрашувда мамлакатларимиз учун бирдек манфаатли, истиқболли лойиҳалар муҳокама қилинди.

Энергетика соҳасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш, хусусан, синтетик ёқилғи ишлаб чиқариш масалаларига эътибор қаратилди. Ўзбекистон, Россия, Жанубий Корея, Хитой каби мамлакатлар иштирокидаги кооперацион лойиҳалар ҳам бизда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Экспорт ҳажмини ошириш учун темир йўллардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотлари Россия бозорига етказиб берилмоқда. Биз Россияда ушбу маҳсулотларга бўлган талаб юқорилигини инобатга олган ҳолда, мазкур йўналишдаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ниятидамиз. Бунинг учун экспортчи корхоналарга кенг имконият бериш, божхона ва фитосанитария хизматлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Шунингдек, фан-таълим йўналишидаги ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Ташриф давомида Тошкентнинг қадимий, айни пайтда замонавий бозорларидан бирида бўлдик. Ўзбекистонда бозорлар фақат савдо мажмуаси эмас, улкан маданият маскани ҳамдир. Россияда ҳам шундай бозорлар ташкил этишни истардик.

ЎзА мухбири Анвар САМАДОВ ёзиб олди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ТОВАРЛАР (ИШЛАР, ХИЗМАТЛАР)НИНГ ДАВЛАТ ВА КОРПОРАТИВ ХАРИДЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ШАКЛ ВА УСЛУБЛАРИНИ ЯНАДА ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўтган йилларда электрон аукцион савдоларини ташкил этиш орқали давлат ва корпоратив харидларининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш учун уларни такомиллаштириш чоралари кўрилди.

Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари доирасида товарлар (ишлар, хизматлар) хариди бўйича идоралараро тендер комиссиялари, шунингдек, лойиҳа ташкилотлари томонидан тайёрланган тендер ва лойиҳаолди ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш бўйича ихтисослашган тармоқ эксперт кенгашлари ташкил этилди.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлил шуни кўрсатдики, давлат ва корпоратив харидларининг ҳамда тендер савдоларини ташкил этишнинг амалдаги тартиби замонавий талабларга жавоб бермайди, турли хил коррупция кўринишлари учун шароит яратадиган кўплаб келишиш жараёнлари, бир-бирини такрорлайдиган тартиб-таомиллар ва сансалорлик ҳолатларининг мавжудлиги сабабли жуда мураккаб ҳисобланади.

Хусусан, идоралараро тендер комиссиялари баённомаларини келишиш ва тасдиқлашни ўз ичига олувчи тендер жараёнларининг айрим ҳолларда олти ойгача чўзилиши кузатилмоқда, бу эса лойиҳалар, шу жумладан, хорижий ва халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган лойиҳалар амалга оширилишининг кечиктирилишига ҳамда тармоқ жадвалларининг бузилишига олиб келмоқда.

Нарх-навони манипуляция қилиш, товарларнинг сифати, тавсифи ҳақидаги маълумотларни бузиб кўрсатиш ва электрон савдода тузилган битимлар бўйича товарларни етказиб бермаслик ҳолатлари кўплаб мавжуд.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ЗАМОНАВИЙ ЭНЕРГИЯ САМАРАДОР ВА ЭНЕРГИЯ ТЕЖАЙДИГАН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЯНАДА ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда энергетика соҳасини янада ислоҳ қилиш, электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ, сувдан (кейинги ўринларда — энергия ресурслари деб юритилади) оқилона фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, тўлов интизомини мустаҳкамлаш чоралари кўрилмоқда.

Шу билан бирга, энергия ресурслари истеъмолининг самарадорлигини мониторинг қилишнинг таъсирчан тизими, шунингдек, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларида (кейинги ўринларда — давлат органлари ва ташкилотлари деб юритилади) замонавий энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича хизматларнинг мавжуд эмаслиги энергия ресурслари харажатларини мақбуллаштириш имконини бермаяпти.

Иссиқлик таъминоти объектларини модернизация қилишда тизимли камчиликларнинг мавжудлиги, маънан ва жисмонан эскирган қозонхона асбоб-ускуналаридан фойдаланилаётганлиги энергия ресурсларини самарасиз истеъмол қилишга олиб келмоқда.

Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан 2015 — 2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сарфи ҳажмини қисқартириш, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари дастурини бажариш бўйича ишлар лозим даражада ташкил этилмаган.

Давлат органлари ва ташкилотларида замонавий энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш мақсадида:

1. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг "Энергия тежаш миллий компанияси" акциядорлик жамиятини (кейинги ўринларда — "ЭТМК" АЖ деб юритилади) ташкил этиш ҳақидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар "ЭТМК" АЖнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

давлат органлари ва ташкилотларида энергия ресурслари истеъмолининг самарадорлигини мониторинг қилиш;

(Давоми 2, 3-бетларда).

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ОЛДИДАН

Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз, ҳавас қилса арзийдиган улуғ аждодларимиз бор

Жорий йилнинг 28 август куни Самарқанд шаҳрида "Жаҳон тамаддуни тарихида Марказий Осиё Ренессанси" мавзуида халқаро илмий конференция ўтказилиши режалаштирилган. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 июлдаги фармойишига мувофиқ ташкил қилинаётган мазкур анжуман олим ва мутафаккирларимизнинг тарихий меросини чуқур ўрганиш, халқаро жамоатчиликни алломаларимизнинг аниқ, табиий фанлар ва ислом илмлари ривожига қўшган ҳиссаси билан таништириш, илмий марказлар ҳамда дунёнинг етакчи олимларини мазкур йўналишдаги тадқиқот ишларига жалб этиш, беқиёс маънавий меросимизни кўз қорачиғидек асраш ҳамда оммалаштиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Зеро, қадимдан маърифат марказларидан бири бўлган Ўзбекистон бугунги кунда ислом маданиятининг ноёб қўлёзма асарлари, буюк алломаларининг бебаҳо китоблари, гўзал ва бетакрор тарихий обидалари, қолаверса, уларга кўрсатилаётган улкан эътибор билан халқаро жамоатчиликнинг эътирофига сазовор бўлмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 100 мингдан зиёд қадимий асарлар мавжуд. Бу рақамнинг ўзи ҳам алломаларимизнинг илм-фан соҳасидаги бебаҳо хизматларини яққол кўрсатиб турибди. Ушбу дурдоналарнинг салмоқли қисми Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида, шунингдек, Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонаси, Тошкент ислом университети Манбалар хазинаси каби қўлёзмалар фондларида сақланмоқда.

(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ТОВАРЛАР (ИШЛАР, ХИЗМАТЛАР)НИНГ ДАВЛАТ ВА КОРПОРАТИВ ХАРИДЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ШАКЛ ВА УСЛУБЛАРИНИ ЯНАДА ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат ва корпоратив харидлари тизимини тубдан такомиллаштириш, ушбу соҳада суиистеъмолчилик ҳолатларининг олдини олиш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 июлдаги "Ўзбекистон Республикасида лойиҳа бошқаруви тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5120-сон Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизимини жорий этиш доирасида Ресурслар ягона миллий маълумотномаси ва Давлат харидлари ягона ахборот порталини яратиш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг қуйидагиларни назарда тутувчи таклифларига розилик берилсин:

иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари ва ижтимоий соҳада амалга оширилаётган, битта контракт бўйича 5 миллион АҚШ долларидан юқори эквивалентдаги инвестиция лойиҳалари доирасида товарлар (ишлар, хизматлар)нинг хариди юзасидан тармоқ идораларо тендер комиссияларини тугатиш;

лойиҳа ташкилотлари томонидан тайёрланган тендер ва лойиҳаолди ҳужжатларини таклиф этилаётган технология ва асбоб-ускуналар бўйича технология, асбоб-ускуналарни танлаш ва нархларни шакллантириш қисмида экспертизадан ўтказиш функциясини бажарадиган ихтисослашган тармоқ эксперт кенгашларини тугатиш;

битта контракт бўйича 300 АҚШ долларидан 100 минг АҚШ долларигача эквивалентдаги товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат ва корпоратив харидларини Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржаси томонидан ташкиллаштириладиган электрон савдолар орқали амалга оширишга оид талабни бекор қилиш.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра 2018 йил 1 январга қадар товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат ва корпоратив харидлари қуйидаги эквивалентларга мувофиқ, яъни:

1 минг АҚШ долларидан кам бўлган битта контракт — нархи, сифати ва товарлар (ишлар, хизматлар)ни етказиб бериш муддатлари бўйича энг мақбул келадиган шартларни таклиф қилган етказиб берувчилар билан тўғридан-тўғри шартномалар тузиш орқали;

1 мингдан 100 минг АҚШ долларигача бўлган битта контракт — буюртмачи тузадиган идоравий танлов комиссиялари томонидан баҳоланадиган энг мақбул таклифларни танлаб олиш орқали;

100 минг АҚШ долларидан юқори миқдордаги битта контракт — буюртмачи томонидан Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "ЎзИнжиниринг" Республика лойиҳа институти, шунингдек, буюртмачининг тармоқ илмий-техник кенгашларининг вакилларини мажбурий жалб этган ҳолда тузиладиган идораларо танлов (тендер) комиссиялари ташкил этадиган танлов (тендер) савдоларини ўтказиш орқали амалга оширилади. Мазкур харидлар бўйича техник шартлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан келишилган бўлиши шарт.

Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар танлов (тендер) комиссиялари таркиблари ва тегишли тартиб-таомиллар ушбу қарор талабларига мувофиқлаштирилишини таъминласин.

Буюртмачиларнинг раҳбарлари давлат ва корпоратив харидларини амалга ошириш тартибига риоя қилмаганлиги, шу жумладан, харид қилишнинг мақсадга мувофиқлиги учун жиноий жавобгарликка тортишгача қадар шахсий жавобгар ҳисобланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги Ўзбекистон Республикасининг инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида давлат ва корпоратив харидларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ваколатли орган этиб белгиласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

Ресурслар ягона миллий маълумотномаси ва Давлат харидлари ягона ахборот портали яратилиши ҳамда 2018 йил 1 январдан ишга туширилишини таъминласин;

бир ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи "Давлат харидлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини белгиланган тартибда киритсин:

давлат (корпоратив) харидларини рақобат асосида амалга оширишнинг шаффоф ва очиқ механизмини, ушбу соҳада коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни;

давлат (корпоратив) харидларига тадбиркорлик субъектлари кенг жалб қилинишини;

давлат (корпоратив) харидлари иштирокчилари учун шикоят қилишнинг мустақил ва самарали тизими ҳамда тартиб-таомилларини яратишни;

электрон харидларни янада ривожлантириш, натижаларни таҳлил қилиш учун маълумотлар ягона базасини, харидларнинг зарур параметрларини ташкил этишни.

6. Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директори Ш. М. Садиков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 23 август

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "ТОВАРЛАР (ИШЛАР, ХИЗМАТЛАР)НИНГ ДАВЛАТ ВА КОРПОРАТИВ ХАРИДЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ШАКЛ ВА УСЛУБЛАРИНИ ЯНАДА ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Мамлакатимизда давлат ва корпоратив харидлари механизмини янада такомиллаштириш, тендер савдоларининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш бўйича изчил ва комплекс ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, электрон савдолар жорий этилди, Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржасининг махсус ахборот портали яратилди, товарлар (ишлар, хизматлар) хариди бўйича, шу жумладан, инвестиция лойиҳалари доирасида кўп поғонали идораларо тендер комиссиялари ташкил этилди.

2016 йил ва жорий йилнинг 7 ойида Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржаси майдончаларида 1,7 триллион сўмдан ортиқ суммада 95 мингдан ортиқ битимлар тузилди.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлил кўрсатдики, давлат ва корпоратив харидларининг ҳамда тендер савдоларини ташкил этишнинг амалдаги тартиби замонавий талабларга жавоб бермайди, турли хил коррупция кўринишлари учун шароит яратадиган кўплаб келишиш босқичлари, бир-бирини такрорлайдиган тартиб-таомиллар ва сансалорлик ҳолатлари мавжуд. Бундан ташқари, тендер жараёнларининг чўзилиши, нарх-навони манипуляция қилиш, товарларнинг сифати, тавсифи ҳақидаги маълумотларни бузиб кўрсатиш ва электрон савдода тузилган битимлар бўйича товарларни етказиб бермаслик ҳолатлари кўплаб кузатилмоқда.

Бюджет ташкилотлари томонидан товарлар (ишлар, хизматлар) харидининг амалдаги меъёрлари ва тартиби товар-моддий бойликлар, шу жумладан, уларнинг энг зарурлари (канцелярия буюмлари, компьютер техникаси ва автотранспортни таъмирлаш) билан нормал ва барқарор таъминлашда қийинчиликлар туғдирмоқда.

Охир-оқибатда бу лойиҳалар, шу жумладан, хорижий ва халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари амалга оширилишининг кечиктирилишига олиб келмоқда.

Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Президентининг қабул қилинган қарори:

иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари ва ижтимоий соҳада амалга оширилаётган, битта контракт бўйича 5 миллион АҚШ долларидан юқори эквивалентдаги инвестиция лойиҳалари доирасида товарлар (ишлар, хизматлар)нинг хариди юзасидан тармоқ идораларо тендер комиссияларини тугатишни;

лойиҳа ташкилотлари томонидан тайёрланган тендер ва лойиҳаолди ҳужжатларини таклиф этилаётган технология ва асбоб-ускуналар бўйича технология, асбоб-ускуналарни танлаш ва нархларни шакллантириш қисмида экспертизадан ўтказиш функциясини бажарадиган ихтисослашган тармоқ эксперт кенгашларини тугатишни;

битта контракт бўйича 300 АҚШ долларидан 100 минг АҚШ долларигача эквивалентдаги товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат ва корпоратив харидларини Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржаси томонидан ташкиллаштириладиган электрон савдолар орқали амалга оширишга оид талабни бекор қилишни назарда тутади.

Давлат харидлари тизимини янада такомиллаштириш мақсадида янгидан ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигига Ресурслар ягона миллий маълумотномаси ва Давлат харидлари ягона ахборот портали яратилиши ҳамда 2018 йил 1 январдан ишга туширилишини таъминлаш, шунингдек, бир ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи "Давлат харидлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш топширилди:

давлат ва корпоратив харидларини рақобат асосида амалга оширишнинг шаффоф ва очиқ механизмини, ушбу соҳада коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни;

давлат ва корпоратив харидларига тадбиркорлик субъектлари кенг жалб қилинишини;

давлат ва корпоратив харидлари иштирокчилари учун шикоят қилишнинг мустақил ва самарали тизими ҳамда тартиб-таомилларини яратишни;

электрон харидларни янада ривожлантириш, натижаларни таҳлил қилиш учун маълумотлар ягона базасини, харидларнинг зарурий параметрларини ташкил этишни.

Шу билан бир қаторда, Агентлик Ўзбекистон Республикасининг инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида давлат ва корпоратив харидларини ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича ваколатли орган этиб белгиланди.

2018 йил 1 январга қадар ноаниқликларни бартараф қилиш ва суиистеъмолчилик ҳолатларининг олдини олиш мақсадида давлат ва корпоратив харидлари қуйидаги эквивалентларга мувофиқ, яъни:

1 минг АҚШ долларидан кам бўлган битта контракт — нархи, сифати ва товарлар (ишлар, хизматлар)ни етказиб бериш муддати бўйича энг мақбул келадиган шартларни таклиф қилган етказиб берувчи билан тўғридан-тўғри шартномалар тузиш орқали;

1 мингдан 100 минг АҚШ долларигача бўлган битта контракт — буюртмачи тузадиган идоравий танлов комиссиялари томонидан баҳоланадиган энг мақбул таклифларни танлаб олиш орқали;

100 минг АҚШ долларидан юқори миқдордаги битта контракт — буюртмачи томонидан Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "ЎзИнжиниринг" Республика лойиҳа институти, шунингдек, буюртмачининг тармоқ илмий-техник кенгашларининг вакилларини мажбурий жалб этган ҳолда тузиладиган идораларо танлов (тендер) комиссиялари ташкил этадиган танлов (тендер) савдоларини ўтказиш орқали амалга оширилади.

Бундан ташқари, мазкур харидлар бўйича техник шартлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан келишилган бўлиши шартлиги ҳақидаги талаб белгиланди.

Шу билан бирга, қарорда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини кучайтириш мақсадида уларнинг тендер савдоларини ташкил этиш бўйича талабларни бузганлиги ҳамда ўтказилган давлат ва корпоратив харидларининг мақсадга мувофиқлиги учун жиноий жавобгарликка тортишгача бўлган шахсий жавобгар бўлиши кўрсатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қабул қилинган қарори давлат ва корпоратив харидларининг илғор ахборот-коммуникация технологиялари ва лойиҳа бошқаруви тамойилларидан фойдаланишга асосланган замонавий шакл ҳамда услубларига босқичма-босқич ўтиш йўлидаги яна бир қадам ҳисобланади.

Қарорда назарда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши бюджет маблағларидан фойдаланишнинг самарадорлигини, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларининг давлат ва корпоратив харидларини амалга оширишда мустақиллиги ва масъулиятини оширишга, бюрократияни бартараф этишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЗАМОНАВИЙ ЭНЕРГИЯ САМАРАДОР ВА ЭНЕРГИЯ ТЕЖАЙДИГАН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЯНАДА ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

давлат органлари ва ташкилотларида замонавий энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича таклифларни тайёрлаш;

давлат органлари ва ташкилотларида замонавий энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш;

давлат органлари ва ташкилотларининг харажатларини мақбуллаштириш, товарлар (ишлар, хизматлар) таннархини пасайтириш, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш ва энергия ресурслари учун харажатларни қисқартириш ҳисобига бюджет ҳамда ўз маблағларини тежаш;

фойдаланиладиган энергия ресурслари ҳажмини камайтиришга қаратилган техник, технологик, иқтисодий ва бошқа чораларни амалга ошириш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

"ЭТМК" АЖнинг устав фонди таъсисчилар ўртасида 1-иловага мувофиқ тақсимланади;

"ЭТМК" АЖ давлат органлари ва ташкилотларида энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича товарлар (ишлар, хизматлар)нинг ягона етказиб берувчиси ҳисобланади;

энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) мажбурий сертификатлаштирилиши шарт;

"ЭТМК" АЖнинг давлат органлари ва ташкилотларида энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича харажатларни қоплаш улар жорий қилингандан кейин олинган тежаш миқдорларидан келиб чиқиб амалга оширилади;

тежаш даражаси тасдиқланганда давлат органлари ва ташкилотларининг "ЭТМК" АЖ олдидаги мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг давлат кафолати берилади;

энергия самарадорлиги юқори бўлган ўхшаш товарлар мавжуд бўлган тақдирда, давлат органлари ва ташкилотларига энергия самарадорлиги паст товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилиш тақиқланади;

"ЭТМК" АЖнинг тўловлари харажатларнинг тўртинчи гуруҳи — бошқа харажатлар бўйича амалга оширилади;

хорижий ва халқаро молия институтларининг маблағлари, тижорат банкларининг кредитлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар "ЭТМК" АЖ фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги билан биргаликда "ЭТМК" АЖнинг устав фондини шакллантирган ҳолда, акцияларни белгиланган тартибда чиқариш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва таъсисчилар ўртасида жойлаштиришни таъминласин.

5. "ЭТМК" АЖнинг директорига истисно тариқасида юқори малакали хорижий мутахассисларни ишга қабул қилишга ҳамда уларга иш ҳақи ва бошқа тўловларни эркин конвертация қилинадиган валютада белгилашга рухсат берилсин.

6. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги лойиҳаларни танқидий таҳлил қилиш ва уларни оптималлаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш бўйича комиссия 2-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

7. Комиссия (М. Х. Салиев) уч ой муддатда:

уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида, шу жумладан, хорижий ва халқаро молия институтлари иштирокида амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича танқидий таҳлил ўтказсин;

ўтказилган ўрганиш якунлари бўйича уй-жой коммунал хизматларнинг бюджет харажатлари ва ташкилий-штат тузилмасини оптималлаштириш юзасидан таклифлар тайёрласин;

уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурларини оптималлаштириш бўйича таклифлар тайёрласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги:

"ЭТМК" АЖ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда давлат органлари ва ташкилотларида замонавий энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни жорий этишнинг шартлари ва аниқ мезонларини белгилайдиган таклифларни киритсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги, "ЭТМК" АЖ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "ЎзИнжиниринг" Республика лойиҳа институти билан биргаликда уч ой муддатда қозонхона станцияларини хатловдан ўтказсин ҳамда якуни юзасидан Вазирлар Маҳкамасига Қозонхона асбоб-ускуналарини модернизация қилиш бўйича давлат дастури лойиҳасини киритсин.

9. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "ЎзИнжиниринг" Республика лойиҳа институти Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда хорижий ва халқаро молия институтларининг маблағларини жалб қилган ҳолда, энергия сервис шартномалари доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича лойиҳаолди ҳужжатларининг ишлаб чиқилишини таъминласин.

10. "Ўзстандарт" агентлиги "ЭТМК" АЖни давлат органлари ва бошқа ташкилотларида энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича товарлар (ишлар, хизматлар)ни сертификатлаш юзасидан ягона орган сифатида белгиланган тартибда аккредитация қилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги икки ой муддатда:

Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасига энергия сервис шартномасида белгиланган тежаш даражаси тасдиқланганда давлат органлари ва ташкилотларининг "ЭТМК" АЖ олдидаги мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг давлат кафолатини бериш тартиби юзасидан таклифларни киритсин;

энергия сервис шартномаларининг амал қилиш даврида коммунал хизматлар учун, шу жумладан, тарифлар ўсишини ҳисобга олиб, илгари назарда тутилган бюджет ажратмалари миқдорини сақлаб қолган ҳолда, бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларни молиялаштириш тартибини ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда "ЭТМК" АЖнинг тузилмасини тасдиқласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Адлия вазирлиги ва бошқа идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директори Ш. М. Садиков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 23 август

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "ЗАМОНАВИЙ ЭНЕРГИЯ САМАРАДОР ВА ЭНЕРГИЯ ТЕЖАЙДИГАН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЯНАДА ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Мамлакатимизда энергетика соҳасини янада ислоҳ қилиш, электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ, сувдан (кейинги ўринларда — энергия ресурслари деб юритилади) оқилона фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, тўлов интизомини мустаҳкамлаш чоралари кўрилмоқда.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлил энергия ресурсларидан самарасиз фойдаланишга олиб келаётган тизимли муаммоларни аниқлаш имконини берди, бу эса охир-оқибатда энергия ресурслари харажатларини мақбуллаштиришни ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг (кейинги ўринларда — давлат органлари ва ташкилотлари деб юритилади) энергия ресурсларидан қарздорлигини қисқартиришга эришишни таъминламаяпти. Хусусан:

энергия ресурслари истеъмолининг самарадорлигини мониторинг қилишнинг ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида замонавий энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш хизматларини кўрсатишнинг таъсирчан тизими, шу жумладан, мазкур функцияларни бажаришга масъул бўлган ихтисослаштирилган муассасанинг мавжуд эмаслиги, бунинг оқибатида фойдаланиладиган энергия ресурслари ҳажмини камайтиришга қаратилган техник, технологик, иқтисодий ва бошқа чоралар кутилган натижани бермаяпти. Бу эса давлат органлари ва ташкилотларининг энергия ресурсларига харажатларини кўпайтиради;

иссиқлик таъминоти объектларини модернизация қилишдаги тизимли камчиликлар, ишдан чиқиши 70 фоизга етган ҳамда иссиқлик таъминотининг самарасизлиги ва энергия сарфи ҳажмининг катталигига сабаб бўлган, маънан ва жисмонан эскирган қозонхона асбоб-ускуналарининг ишлатилиши;

Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан 2015 — 2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сарфи ҳажмини қисқартириш, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари дастурини бажариш бўйича ишлар лозим даражада ташкил қилинмаган. Бунинг оқибатида дастурда давлат органлари ва ташкилотларида энергия самарадор технологияларни жорий қилиш бўйича назарда тутилган лойиҳалар ижро этилмасдан қолган.

(Давоми 3-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “ЗАМОНАВИЙ ЭНЕРГИЯ САМАРАДОР ВА ЭНЕРГИЯ ТЕЖАЙДИГАН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЯНАДА ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

(Давоми. Бошланиши 1, 2-бетларда).

Қайд этилганларни инобатга олган ҳолда ҳамда давлат органлари, ташкилотларида замонавий энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий қилиш, энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Замонавий энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги қарори қабул қилинди.

Давлат раҳбарининг мазкур қарорига мувофиқ “Энергия тежаш миллий компанияси” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда — “ЭТМК” АЖ деб юритилади) ташкил қилинди ва унинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

давлат органлари ва ташкилотларида энергия ресурслари истеъмолининг самарадорлигини мониторинг қилиш;

давлат органлари ва ташкилотларида замонавий энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий қилиш, энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Замонавий энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги қарори қабул қилинди.

Давлат раҳбарининг мазкур қарорига мувофиқ “Энергия тежаш миллий компанияси” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда — “ЭТМК” АЖ деб юритилади) ташкил қилинди ва унинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

давлат органлари ва ташкилотларида энергия ресурслари истеъмолининг самарадорлигини мониторинг қилиш;

давлат органлари ва ташкилотларида замонавий энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни жорий қилиш;

давлат органлари ва ташкилотларининг харажатларини мақбуллаштириш, товарлар (ишлар, хизматлар) таннархини пасайтириш, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш ва энергия ресурслари учун харажатларни қисқартириш ҳисобига бюджет ҳамда ўз маблағларини тежаш;

фойдаланиладиган энергия ресурслари ҳажмини камайтиришга қаратилган техник, технологик, иқтисодий ва бошқа чораларни амалга ошириш.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, “Асакабанк” АТБ ва “Туронбанк” АТБ “ЭТМК” АЖнинг таъсисчилари ҳисобланади.

Шу ўринда, “ЭТМК” АЖ давлат органлари ва ташкилотларида энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича таклифларни тайёрлаш;

давлат органлари ва ташкилотларида замонавий энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни жорий қилиш;

давлат органлари ва ташкилотларининг харажатларини мақбуллаштириш, товарлар (ишлар, хизматлар) таннархини пасайтириш, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш ва энергия ресурслари учун харажатларни қисқартириш ҳисобига бюджет ҳамда ўз маблағларини тежаш;

фойдаланиладиган энергия ресурслари ҳажмини камайтиришга қаратилган техник, технологик, иқтисодий ва бошқа чораларни амалга ошириш.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, “Асакабанк” АТБ ва “Туронбанк” АТБ “ЭТМК” АЖнинг таъсисчилари ҳисобланади.

Шу ўринда, “ЭТМК” АЖ давлат органлари ва ташкилотларида энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни энергия сервис шартномалари асосида жорий қилиш бўйича товарлар (ишлар, хизматлар)нинг ягона етказиб берувчиси этиб белгиланди. Унинг харажатларини қоплаш энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологиялар жорий қилингандан кейин олинган тежаш миқдорларидан келиб чиқиб амалга оширилади.

Энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) учун давлат органлари ва ташкилотлари томонидан тўловларни таъминлаш мақсадида қарор билан давлат органлари ва ташкилотларининг мажбуриятлари юзасидан Ўзбекистон Республикаси давлат кафолатини бериш механизми назарда тутилди. Тежаш даражаси тасдиқланганда бундай кафолат “ЭТМК” АЖга берилади.

Шу билан бир қаторда, энергия самарадорлиги юқори бўлган ўхшаш товарлар мавжуд бўлган тақдирда, давлат органлари ва ташкилотларига энергия самарадорлиги паст товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилиш тақиқланди.

Янги тузилган ташкилот ўз вазифаларини бажариш учун зарур бўлган кадрлар билан тўлдирилишини таъминлаш мақсадида “ЭТМК” АЖнинг директорига истисно тариқасида юқори малакали хорижий мутахассисларни ишга қабул қилишга ҳамда уларга иш ҳақи ва бошқа тўловларни эркин конвертация қилинадиган валютада белгилашга рухсат берилди.

Шунингдек, қарор билан уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги лойиҳаларни танқидий таҳлил қилиш ва уларни оптималлаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш бўйича комиссия ташкил этилди.

Комиссияга:

уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида, шу жумладан, хорижий ва халқаро молия институтлари иштирокида амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича танқидий таҳлил ўтказиш;

уй-жой коммунал хизматларнинг бюджет харажатлари ва ташкилий-штат тузилмасини, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурларини оптималлаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш вазифалари юклатилди.

Бундан ташқари, тегишли вазирлик ва идораларга:

давлат органлари ва ташкилотларида замонавий энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни жорий этишнинг шартлари ва аниқ мезонларини белгилайдиган таклифларни киритиш;

Қозонхона асбоб-ускуналарини модернизация қилиш бўйича давлат дастури лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш топширилди.

Давлат раҳбарининг мазкур қарори қабул қилиниши, шубҳасиз, давлат органлари ва ташкилотларининг замонавий энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш борасидаги фаолиятини жадаллаштириш, энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлашга хизмат қилади.

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРЛАРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Бугун Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси очилади. Кеча ялпи мажлис олдидан Сенат қўмиталари йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда ялпи мажлис кун тартибига киритилган масалалар тегишлилиги бўйича дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

Одамлар турмуш сифатини ошириш

Олий Мажлис Сенатининг навбатдаги ялпи мажлиси кун тартибига киритилган масалалардан кўзланган асосий мақсад ҳисобланади

Сенатнинг ялпи мажлиси кун тартибига мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини тубдан юксалтиришга, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишга оид Давлат дастури ижросига қаратилган Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонунлари киритилган.

“Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги, “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида”ги, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги (янги таҳрири), “Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги қонунлар шулар жумласидандир.

Алоҳида қайд этиш керакки, парламент юқори палатасининг навбатдаги ялпи мажлисига жорий йил 12 июль куни парламент палаталари, сиёсий партиялар, Ўзбекистон экологик ҳаракати, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари фаолиятининг таҳлили ҳамда истиқболдаги вазифаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан белгилаб берилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда ҳозирлик кўрилди.

Қўмиталар томонидан ялпи мажлис кун тартибига киритилган барча масала бўйича мутасадди идоралар, жамоат ташкилотлари ҳамда илмий доиралар вакиллари жалб қилинган ҳолда, ишчи гуруҳи тузилди. Қолаверса, сенаторлар иштирокида қонунлар қоидалари ҳудудлар ва умумдавлат манфаатлари билан уйғунлигини аниқлаш мақсадида жойларда сайловчилар, тадбиркорлар ҳамда соҳа вакиллари билан кўплаб учрашувлар ташкил этилди. Шу билан бирга, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишнинг бугунги ҳолати ва амалиёти, ушбу соҳадаги муаммолар, бир қатор хорижий мамлакатларнинг тажрибаси ўрганилди.

— Мамлакатимизда халқ билан мулоқотга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётгани, одамларни ўйлантираётган муаммо ва камчиликларни бартараф қилишнинг янги таъсирчан механизмлари ҳаётга татбиқ этилаётгани амалдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунни тўлиқ қайта кўриб чиқиш заруратини туғдирди, — дейди Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Б. Матмуратов. — Чунки Қонун нормалари умумий характерга эга бўлиб, мурожаатларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш, ижросини таъминлаш, назоратга олиш ва мониторингини юритиш механизмини ўзида акс эттирмас эди, мурожаатлар билан ишлашнинг замонавий усулларини назарда тутмасди. Хусусан, қонунда мурожаатларни қабул қилиш ва кўриб чиқишда интерактив усуллардан кенгроқ фойдаланиш, мурожаатларни таҳлил қилиш натижаларини нашр этиб бориш, такрорий мурожаатлар билан ишлаш, фуқароларни сайёр ёки видеоконференцалоқа ёрдамида масофавий қабул қилиш, янги институт — Халқ қабулхонасига оид қоидалар, “Ишонч телефонлари” орқали мурожаатни қабул қилиш ва кўриб чиқишга оид нормалар мавжуд эмас. Янги таҳрирдаги қонунда ушбу масалалар ўз ифодасини топмоқда.

— Ота-она борки, фарзандининг келажагини ўйлайди, саломатлиги ҳақида қайғуради, хулқи гўзал, руҳан бақувват бўлишини истайди, — дейди Сенатнинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Г. Алимова. — Аммо бугунги ахборот асрида тарқатилаётган ахборот, реклама, электрон ва компьютер ўйинлари, кино, видео ҳамда бошқа материаллар болаларнинг онги, мурғак қалби ва маънавиятига тобора кўпроқ салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу эса, ўз навбатида, болаларда хатарли, тажовузкор, шафқатсиз, жамиятга қарши хатти-ҳаракатларни содир этишга мойиллик уйғотиши, уларни жиноятга осон жалб этиш учун замин яратаётгани кўпчиликни ташвишга солаётгани рост. Бир қарашда пайқаш қийин бўлса-да, бундай зарарли ахборотлар назоратга олинмаса, чекланмаса, болаларимизни ҳам руҳан, ҳам маънан “майиб” қилиб қўйиши тайин. Буни, айниқса, Президентимиз ташаббуси билан қонунларни янгича тизим асосида жойларда муҳокама қилаётганимизда юртдошларимиз томонидан билдирилган фикрлар мисолида ҳам айтиш мумкин. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, парламент юқори палатаси муҳокамасига киритилган “Болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан уларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун юртимиздаги ота-оналар дилидаги гап бўлди. Чунки фарзанд тарбияси масъулият ва жавобгарликни талаб этади. Айниқса, ҳозирги ахборот технологиялари асрида боланинг маънавий-руҳий дунёсини турли хуружлардан ҳимоя қилиш ҳаётий заруратдир. Қонунда болаларни бузғунчи, руҳиятига зарар етказувчи таъсирлардан асраш, саломатлигига хавф туғдирувчи ахборот тарқатилишининг олдини олиш, чеклаш ва тақиқлаш масалалари ўз аксини топди. Таъкидлаш жоизки, қонун талаблари болаларнинг ахборот олиш кафолатлари таъминланишига монелик қилмайди, аксинча ушбу йўналишда ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитларни яратишни назарда тутади. Қўмитамиз ишчи гуруҳи мазкур қонунни кенг жамоатчилик, ота-оналар иштирокида атрофлича ўрганиб чиқканини алоҳида айтишни истардим.

Ялпи мажлисда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судини сайлаш ҳақидаги, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг айрим раҳбарларига парламент сўрови юбориш, парламент сўрови натижалари ҳақидаги ҳамда Сенат ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилади. Умуман, мажлис кун тартибига 26 масала, жумладан, 10 та қонун киритилган. Уларнинг 6 таси янги қонундир.

Қобил ХИДИРОВ.

Иқтисодий барқарорлик кафолати

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан “Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва саноат тармоқларини фаол диверсификация қилиш — мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантириш кафолати” мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.

Парламент қуйи палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ҳамда қўмиталар вакиллари, соҳа экспертлари ва олимлар қатнашган мазкур тадбирда мамлакатимиз иқтисодиёти ривожида саноатнинг юқори технологияларига асосланган тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ҳамда диверсификациялаш муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди. Шу орқали маҳсулотларнинг рақобатдошлигини ошириш 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида долзарб вазифа сифатида белгилаб қўйилган.

Айниқса, унда минерал-хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича умумий қиймати қарийб 40 млрд. долларга тенг бўлган 649 та инвестиция лойиҳасини рўёбга чиқариш кўзда тутилаётгани эътиборга молик. Шу билан бир қаторда, жорий йилда 145 та ишлаб чиқариш қувватларини фойдаланишга топшириш натижасида 75 дан ортиқ янги турдаги рақобатдош тайёр маҳсулотлар ўзлаштирилади. Пировардида келгуси беш йилда республикада саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1,5 баравар ўсиши таъминланиши баробарида, саноат тармоқларидаги йирик корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархини ўртача 8 фоиз қисқартиришга эришилади.

Давра суҳбатида мамлакатимизда саноатнинг қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом ашё ресурсларини янги технологиялар асосида чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш, шунингдек, ишлаб чиқариш тармоқларини модернизация ҳамда диверсификация қилиш орқали сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш энг долзарб масалалардан бири экани қайд этилди.

Тадбир иштирокчилари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва маҳсулотни реализация қилишда ортиқча тўсиқларнинг мавжудлигини айтиб ўтишди. Маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган дори воситаларига қўйиладиган талабларнинг халқаро стандарт талабларига тўла мос эмаслиги, айрим турдаги маҳаллий хом ашёдан фойдаланиш имкониятларининг чекланганлиги, норуда конларидан фойдаланишга лицензия олиш жараёни кўп вақт талаб қилиши каби масалалар шулар жумласидандир. Ўз навбатида, депутатлар юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Давра суҳбатида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Зиёда АШУРОВА.

Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштиришнинг янги механизми

Таълим ва тарбияни мустаҳкамлаш, сиҳат-саломатликни кафолатлаш юртимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор мақсади ҳисобланади. Ҳар бир инсоннинг малакали касб-ҳунар эгаллаш, сифатли тиббий хизматдан фойдаланишга оид ҳуқуқлари Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган.

ДЕПУТАТ ФИКРИ

Айни пайтда таълим ва тиббиёт тизимида айрим муаммолар кўзга ташланмоқдаки, бу уларнинг молия йўналишидаги камчиликлари ҳисобига юзага келаётганини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни, дори воситалари таъминотини янада яхшилаш, ушбу соҳадаги қонунчиликни амалиётга самарали татбиқ қилиш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш бўйича комиссиянинг жойларда ўтказаётган ўрганишларида ҳам соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбарлари (шифокор) молия-иқтисод соҳасида махсус билим ва малакага эга эмасликлари, бунинг натижасида маълум бир қийинчиликларга дуч келинаётгани аён бўлди. Яъни таълим ва соғлиқни сақлаш тизимидаги ҳар бир муассаса юридик мақомга эга бўлгани туфайли бюджетдан маблағ ажратилиши ҳамда уларнинг сарфланиши юзасидан ҳисоботлар ва турли маълумотларни молия, ғазначилик ҳамда солиқ органларига алоҳида тақдим этиб келган. Қисқача айтганда, молиялаштириш тизими етарли даражада ташкил қилинмаган эди.

Амалдаги тартибларга кўра, ижтимоий соҳа объектларини реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш ишлари давлат инвестиция дастурлари асосида бажариб келинмоқда. Лекин бу бинолардан кейинчалик фойдаланиш ва уларни лозим даражада сақлаш учун туман (шаҳар) бюджет муассасаларида имкониятлар етарли эмас эди, айрим ҳолларда кичик таъмирлаш билан боғлиқ ишлар ишчи-ходимлар ёки ҳомийларнинг маблағлари ҳисобидан бажарилган.

Бугунги кунда ўта долзарб саналган ушбу масалалар мамлакатимиз раҳбарининг шу йил 21 августдаги “Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмини ҳамда давлат молиявий назорат тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори билан ўз ечимини топди.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ, эндиликда таълим ва тиббиёт муассасаларида ҳисоб-китоб ҳамда ҳисобот механизмларининг шаффофлигини таъминлаш ва такомиллаштириш, шунингдек, замонавий ахборот технологиялари ҳамда халқаро тан олинган молиявий назорат стандартларини жорий этиш йўли билан бюджет қонунчилигини бузиш ҳолатларининг олдини олиш профилактикаси ва огоҳлантиришга йўналтирилган давлат молиявий назорати тубдан қайта кўриб чиқиладиган бўлди.

Халқ таълими туман (шаҳар) бўлимларида, туман тиббиёт бирлашмаларида марказлашган молия-бухгалтерия хизматлари ташкил этилиши ушбу қарорнинг муҳим жиҳатларидан бири, десак, муболаға бўлмайди. Яъни тизимдаги ҳар бир бюджет муассасасида ҳисоб-китоб ишларининг ягона тизимга бирлаштирилгани ҳисоб ва ҳисобот ишларини самарали ташкил қилиш билан бирга, таълим ҳамда соғлиқни сақлаш тизимларидаги раҳбар ходимларга асосий фаолияти билан шуғулланишларига кўпроқ имкон беради. Бу, айниқса, таълим сифати ошиши, ёш авлодни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Соғлиқни сақлаш муассасаларида эса соғлом она ва соғлом бола концепциясини ривожлантириб, аҳоли саломатлигини таъминлашга эътибор кучаяди.

Имкониятлардан яна бири — халқ таълими бўлимлари ҳамда тиббиёт бирлашмаларида улар бўйсунувидаги ташкилот ва муассасаларнинг бино-иншоотларини эксплуатация қилиш, газ, сув, электр энергиясидан тежамкорлик билан фойдаланиш ҳамда уларни ҳисобга олиш асбоб-ускуналари ҳолатини мониторинг қилиб бориш, шунингдек, ихтисослаштирилган таъмирлаш-эксплуатация бўлимлари ташкил этилишидир. Бунинг натижасида бино ва иншоотларни сақлаш учун замин яратилди.

Қарорда давлат молиявий назоратини такомиллаштириш бўйича Идоралараро кенгаш ташкил этилиб, давлат молиявий назорати ҳамда ички аудит фаолиятини ташкиллаштириш ва амалга оширишнинг халқаро тан олинган услублари ҳамда воситаларини жорий қилиш, уларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш унинг асосий вазифалари этиб белгиланди.

Шу билан бирга, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимида ички назоратни олиб бориш функцияси ҳам белгилаб берилди. Бунда бевосита марказлашган молия-бухгалтерия тизими билан бирга, бюджет маблағларининг мақсадли сарфланишига эришилади.

Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Комиссия томонидан жойларда тиббиёт тизими муассасалари фаолияти ўрганилганида, уларда, хусусан, қишлоқ оилавий поликлиникаларида дори-дармон ҳамда боғловчи воситаларни харид қилишда ҳар бир муассаса алоҳида тендер (танлов) савдоларида иштирок этиши, бу эса, қайсидир маънода, тиббиёт ходимларининг хўжалик-молия масалалари билан банд бўлиши, устига-устига, аҳолига керакли воситаларнинг ўз вақтида етказиб берилмаслигига, пировардида тиббий хизмат сифатининг пасайишига олиб келаётган эди. Эндиликда қарор билан мазкур муаммоларга барҳам берилиб, унинг аниқ механизмлари белгиланди. Чунончи, туман бўйича дори-дармон ва боғловчи воситаларни сотиб олишда туман тиббиёт бирлашмасининг ўзи тендер (танлов) савдоларида иштирок этади, дори-дармон ҳамда боғловчи воситаларни сотиб олади ва ҳар бир муассасага узлуксиз тарқатади.

Таълим ҳамда тиббиёт тизимидаги молиявий муносабатларнинг такомиллаштирилиши, шубҳасиз, ҳар иккала соҳани янада ривожлантиришга асос бўлади.

Мақсуд ҚУРБОНБОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.

СЕМИНАР

Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида “Республикада паррандачилик соҳасини ривожлантириш, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими” мавзуида республика семинари ўтказилди.

Сердаромад соҳа

Унда республикамизда фаолият кўрсатаётган 250 дан ортиқ паррандачилик хўжаликлари раҳбарлари, соҳа мутахассислари, ёшлар қатнашди.

Таъкидланганидек, Самарқанд парранда гўшти ва тухум етиштириш бўйича мамлакатимиздаги салоҳияти юқори ҳудуд ҳисобланади. Бугунги кунда вилоятда 2000 йилдагига нисбатан 4,2 марта кўп, яъни 10 миллион 158,2 минг бош парранда парваришланаётгани бунга яққол мисол бўла олади.

Бундай натижага эришишда Маҳаллийлаштириш дастури асосида озуқа маҳсулотлари ўзимизда ишлаб чиқарилаётгани, ҳар йили кўплаб истиқболли лойиҳалар амалга оширилаётгани муҳим омил бўлмоқда. Масалан, жорий йилнинг биринчи ярмида қиймати 25 миллиард сўмлик 25 та лойиҳа рўёбга чиқарилди. “Илонсой наслли парранда” корхонаси шулардан бири бўлиб, бу ерда 150 мингта товуқ парваришлаш йўлга қўйилди.

Айтиш жоизки, бу каби саъй-ҳаракатлар туфайли парранда сони тобора кўпайиб, ички бозор парҳез гўшт ва тухум билан тўлдирилмоқда. Айни пайтда республикамизда паррандалар сони 65,8 миллионтага етгани, олинаётган тухум аҳоли жон бошига 193 донани ташкил этаётгани қувонарли ҳол, албатта. Натижада тармоқ корхоналари тухумнинг бир қисмини экспорт қилишмоқда. Ўтган йили 1 миллион АҚШ долларилик ташқи савдо амалиёти бажарилган бўлса, жорий йилнинг ўтган етти ойида хорижлик буюртмачиларга қарийб 10 миллион долларлик тухум етказиб берилди.

Семинарда уй шароитида товуқ парваришлаш, тармоқда маҳсулдорликни ошириш бўйича тавсиялар берилди.

Иштирокчилар тадбир доирасида илғор паррандачилик корхоналари фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

вакант (бўш) профессор-ўқитувчилар лавозимига танлов эълон қилади.

Пахта саноати технологияси факультети
- Назарий ва амалий механика кафедраси: профессор.
- Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси кафедраси: доцент, ассистент.
- Технологик машиналар, жиҳозлар ва сервис хизмати кафедраси: доцент.
- Меҳнат муҳофазаси ва экология кафедраси: кафедра мудири, доцент.

Тўқимачилик саноати технологияси факультети
- Ижтимоий фанлар кафедраси: катта ўқитувчи.
- Тўқимачилик матолари технологияси кафедраси: ассистент.
- Кимё кафедраси: доцент, ассистент.
- Тўқимачилик материалшунослиги кафедраси: ассистент.

Енгил саноат технологияси факультети
- Тикув буюмларини конструкциялаш ва технологияси кафедраси: ассистент.
- Чарм буюмларини конструкциялаш ва технологияси кафедраси: катта ўқитувчи.
- Педагогика ва жисмоний маданият кафедраси: катта ўқитувчи.

Автоматлаштириш, бошқарув ва матбаа факультети
- Корпоратив бошқарув кафедраси: кафедра мудири, ассистент.
- Матбаа ва қадоқлаш жараёнлари технологияси кафедраси: катта ўқитувчи.
- Тиллар кафедраси: катта ўқитувчи (инглиз тили), катта ўқитувчи (рус тили), ассистент (инглиз тили).

Танловда қатнашишни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: ректор номига ариза, кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, дипломлар ва аттестатлар нусхалари, илмий ишлар ва ихтиролар рўйхати, малака оширганлик тўғрисидаги ҳужжатлар нусхалари.

Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой муддатда қабул қилинади.

Эслатма: *мазкур институтда ишловчи шахслар ўтган муддат бўйича кафедрада ҳисобот берадилар, танловда иштирок этувчилар синов дарслари ўтказадилар.*

Манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Шоҳжаҳон кўчаси, 5-уй, 1-бино, 210-хона. Телефон: (0-371) 253-17-78.

1108R/357

Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз, ҳавас қилса арзийдиган улуғ аждодларимиз бор



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, муқаддас Қуръони каримнинг энг қадимий қўлёзма нусхаси — Усмон Мусҳафи ҳам Тошкентда сақланади.

Истамбул, Искандария, Лондон, Париж, Москва каби шаҳарларнинг машҳур қўлёзма фондлари қаторида Ўзбекистондаги фондлар ҳам илмийлиги ва аҳамияти нуқтаи назаридан етакчи ўринларни эгаллайди. Тошкентдаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтини жаҳон илм-фани тарихида ўчмас из қолдирган Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи сингари юзлаб улуғ аждодларимизнинг математика, астрономия, физика, кимё, геодезия, фармакология, тиббиёт каби аниқ фанлар билан бирга, тарих, география, фалсафа, маданият ва санъат, архитектура соҳаларида яратган асарлари бойитиб турибди. Ҳеч шубҳасиз, айтиш мумкинки, бундай буюк зотларнинг илмий ғоя ва кашфиётлари жаҳон илм-фани ва цивилизацияси ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган.

Бундан ташқари, мазкур фондда мусулмон оламида эътироф этилган Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Мансур Мотуридий, Абу Муин Насафий, Қаффол Шоший, Бурҳониддин Марғиноний, Маҳмуд Замахшарий, Баҳоуддин Нақшбанд каби алломаларнинг ноёб қўлёзмалари ҳам сақланмоқда. Улуғ олимларимизнинг ҳадис, тафсир, ақида, ислом ҳуқуқшунослигининг усулул фиқҳ, фуруул фиқҳ, фатво, илмул хилофиёт каби соҳалари, тасаввуф, ислом тарихи, араб тилшунослиги ва луғатшунослиги, наҳв, сарф, балоғат, фасоҳатга оид беназир китоблари юртимиз илму фанини дунёга янада кенг танитмоқда.

Табиийки, Имом Бухорий ва Имом Термизий сиймоларида Қуръони каримдан кейинги ўринда турувчи, энг ишончли, деб тан олинган ҳадисларни тўплаган муҳаддислар — Абу Мансур Мотуридий ва Абул Муин Насафий сиймоларида мусаффо ақидани шакллантириб, адашган фирқаларга илмий раддиялар берган мутакаллимлар, Абул Юср Паздавий ва Бурҳониддин Марғиноний сиймоларида мусулмонларнинг ибодат ва ўзаро муносабатларида диний-ҳуқуқий масалалар ечимини берган фақиҳлар, Маҳмуд Замахшарий ва Абул Баракот Насафий сиймоларида Қуръони каримнинг нозик балоғат ва фасоҳатини очиб берган йирик муфассирлар, Нажмиддин Кубро ва Баҳоуддин Нақшбанд сиймоларида одамларни ҳалоллик, поклик, эзгуликка чақирган мутасаввифлар кўз ўнгимизда гавдаланади.

Буюк ватандошларимиздан Абу Ҳафс Умар Насафий исломнинг турли соҳаларига бағишланган 200 дан зиёд, Абу Лайс Самарқандий 40 га яқин, яна бир насафлик олим Абул Баракот Насафий 10 дан зиёд асарлар ёзгани манбаларда қайд қилинган. Бундай муаллифларнинг номини янада такрор ва такрор келтириш мумкин. Бироқ, биргина VIII-XII асрларда Мовароуннаҳр диёрида фақатгина ҳадис соҳасида танилган 3000 дан ортиқ муҳаддисларнинг бўлганлиги ҳам фикрларимизни янада ёрқинлаштиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги "Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қўлёзмаларни ўрганиш борасида туб бурилиш ясади. Чунки ушбу ҳужжатда асарларни ўрганиш, тадқиқ қилишнинг мукаммал тизими шаклланган.

Улуғ зотларга муносиб эҳтиром сифатида Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Тошкентдаги Ҳазрати Имом (Хастимом) мавзеида ташкил этилаётган Ислом маданияти марказида ҳам ёзма маданий меросимизга алоҳида эътибор берилади. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 23 июндаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида алломаларимиз меросини кўрсатувчи алоҳида павильон-қисмлар ажратилиши ва шу орқали уларнинг улкан илмий фаолият йўллари зиёратчиларга тақдим этилиши белгилаб қўйилган.

Айниқса, икки буюк ватандошимиз номлари билан боғлиқ "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида", "Абу Исо Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлар, "Абдухолиқ Ғиждувоний таваллудининг 915 йиллигини ва Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида"ги фармойиш улуғ олимлар ва уларнинг илмий асарларини ўрганишга катта туртки бериши, шубҳасиз.

Тошкент ислом университетининг Манбалар хазинасида ҳам энг сара асарлар жамланган. Бу ерда 500 га яқин қўлёзмалар, 2000 га яқин тошбосмалар ҳамда алломаларимиз илмий меросига оид 10000 дан зиёд янги нашрлар йиғилган. Бебаҳо дурдоналар қаторида Усмон Мусҳафининг Ҳабибулла Солиҳ томонидан кўчирилган қўлёзма нусхаси, Бурҳониддин Марғинонийнинг XII асрга оид "Ҳидоя" асари, Андалусия, Шимолий Африка ва араб диёрларида етук аллома сифатида танилган, бобокалонимиз соҳибқирон Амир Темур билан ҳамсуҳбат бўлган Ибн Халдуннинг "Муқаддима Ибн Халдун" асарининг нафақат араб тилидаги, балки туркий таржимаси каби нодир асарлар сақланади.

Кейинги 15 йил давомида илмий изланувчиларимиз томонидан бундай асарларни ўрганишга бағишланган 30 дан ортиқ номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимоя қилинган, юзлаб магистрлик ва бакалаврлик илмий ишлари қилинганлиги, ушбу асарлар асосида бир қатор ўқув ва илмий-оммабоп адабиётлар яратилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Буни давлатимиз раҳбари жорий йилнинг 15 июнь куни имом-хатиблар билан учрашувлари чоғида қуйидагича баён этганлар: "Кейинги вақтда мен жойларда бўлиб, ҳудудларимиз ҳаёти билан янада яқиндан танишар эканман, шундай бир фикрга ишонч ҳосил қилаяпманки, биз ҳали юртимизни, унинг ўзига хос тарихи, маданияти, улуғ олиму уламоларини, бебаҳо маънавий меросимизни тўлиқ ўрганганимиз йўқ.

Мисол учун, Қашқадарё заминида буюк аллома, мотуридия таълимотининг йирик вакили Абу Муин Насафий бобомиз яшаб ўтганлар. У киши узоқ муддат Бухоро ва Самарқандда таҳсил олиб, калом илми, яъни исломий эътиқод поклиги масаласида 15 га яқин китоб ёзганлар. Ана шу китобларида, бундан минг йил олдин дин масаласида адашганларга тўғри йўл кўрсатганлар".

Дарҳақиқат, аждодларимизнинг илмий меросини ўрганиш орқали бир томондан, ёшларимиз маънавиятининг юксалишига катта ҳисса қўшсак, иккинчи томондан, нотўғри оқимлар ғояларининг юртимизга кириб келишининг олдини олишда, адашганларни тўғри йўлга қайтаришда самарали натижаларга эришган бўлар эдик. Негаки, "Жаҳолатга қарши — маърифат" шиори остида боболаримизнинг эзгу ғоялари, ўлмас насиҳат дурдоналари бахтли келажак қуришда катта маънавий озуқа бўлади.

Айни пайтда манбашунослик соҳасида ечимини кутаётган бир нечта масала ҳам борлигини айтиб ўтиш керак. Аввало, манбашунос кадрларни шакллантириш масаласи энг долзарб вазифалардан бўлиб қолмоқда. Сўнгги йилларда Тошкент ислом университети, Тошкент давлат шарқшунослик институти ва бошқа диний таълим муассасаларини бир қатор мутахассислар битириб чиқишига қарамай, ҳали-ҳануз бу масала ўз ечимини топа олгани йўқ. Мазкур соҳада амалий қадам қўйилган бўлиб, Юртбошимиз ташаббуслари ушбу ўқув йилидан бошлаб Тошкент ислом университетининг Бухоро ва Термиздаги филиаллари очилди. Ўйлаймизки, яқин йилларда мутахассисларимиз сафи вилоятлар ҳисобига ҳам янада кўпаяди.

Етук кадрларга бўлган эҳтиёж бизни хорижий ҳамкорлар билан мустаҳкамроқ ишлашга, юртимиздаги минглаб қўлёзмаларни ўрганишга чет эллик олимларни жалб қилишга ундамоқда. Шу билан бирга, хорижлик илмий изланувчилар, ўзбекистонлик алломаларнинг асарларини ўрганмоқчи бўлган тадқиқотчиларга кенг имкониятлар яратиш, улар билан ҳамкорлик қилиш зарурати тобора ойдинлашиб бормоқда. Бу борада Тошкент ислом университетида ISESCOнинг махсус кафедраси очилиши, унинг фаолияти яқин келажакда хорижлик мутахассисларнинг сафи кўпайишида катта роль ўйнайди.

Президентимиз томонидан Самарқандда — Имом Бухорий илмий марказида ҳадисшунослик, Имом Мотуридий маркази қошида калом илми, Фарғонада — Марғиноний илмий марказида ислом ҳуқуқи, Бухорода — Баҳоуддин Нақшбанд марказида тасаввуф, Қашқадарёда — Абу Муин Насафий марказида ақида илми мактабларини ташкил этиш таклифлари билдирилди. Эндиги навбат, ушбу илмий мактабларга муносиб мутахассисларни етказиб бериш масаласи саналади. Бу борада ушбу мактабларга кадрлар тайёрловчи таълим даргоҳлари олдида улкан вазифа турганлиги ҳамда хорижлик мутахассисларни ҳам илмий мактабларга йўналтириш кераклиги долзарблик касб этмоқда.

Манбашунос мутахассислар етиштириш билан бирга уларни фан соҳалари бўйича тайёрлаш ҳам керак бўлади. Чунки манбашунос манбага бағишланган соҳани яхши билмаса, у ўрганаётган қўлёзмани етарли даражада тадқиқ эта олмайди. Натижада унинг илмий ишидан керакли самарани кутиш мумкин эмас. Шунинг учун манбашуносларни мақсадли равишда тиббиёт, фармацевтика, астрономия, математика, физика, кимё, геодезия, санъат, архитектура, ҳуқуқшунослик каби илмлар бўйича тайёрлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг учун Тошкент ислом университети ва бошқа манбашунослар тайёрлайдиган олий таълим муассасаларида бундай йўналиш ва мутахассисликларни очиш зарурати пайдо бўлади. Шу билан бирга, юқоридаги соҳа мутахассисларини тайёрлайдиган олий таълим даргоҳларида манбашуносларни етиштирадиган мактабларни шакллантириш ҳам муҳимлик касб этади.

Маълумки, қўлёзма асарлар вақт ўтгани сари ўз хусусиятларини йўқотиб бораверади. Шу сабабли уларни сақлаш чораларини кўриш, факсимиль нашрларини тайёрлаш, махсус техник жиҳозлар орқали қадимги китобларнинг электрон шаклларини яратиш, рақамлаштириш зарур. Бунинг учун эса фондида қўлёзма асарлар мавжуд муассасалар моддий-техника базасини бойитиш керак.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, дунёда энг катта бойлик бўлган аждодларимизнинг интеллектуал ва маънавий ғояларига чуқур ҳурмат билан ёндашиш, ўзимизнинг миллий тарихимиз ҳамда маданиятимизнинг ажралмас қисми саналган илмий меросни ўрганиш, уни асрабавайлаш ва бойитиш, шу асосда ёш авлодни тарбиялаш энг долзарб вазифаларимиздан бири бўлиб қолаверади.

Равшан АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент ислом университети ректори.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 845. 79 848 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.30 Топширилди — 23.30 2 3 4 5 6